

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз! | “Китоб карвони” туманда китоблар жамланмаларини улашди



Мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан жорий йилнинг 9-14 сентябрь кунлари Сурхондарё вилоятидаги шаҳар ва туманларда бир гуруҳ олим ва шоирлар, қўшиқчи санъаткорлар, театр ва кино арбоблари билан “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, концерт дастурлари бўлиб ўтмоқда.

Термиз туманидаги бугунги тадбирлар “Намуна” маҳалласида бўлиб ўтди. Тадбир якунида меҳмонлар томонидан “Китоблар карвони”да олиб келинган китоблар жамланмалари таълим муассасалари ва аҳоли вакилларига тарқатиб берилди.